

ПОДШАОТАСОЙ ДАРЁСИНИНГ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИ

Подшаотасой дарёси Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Чотқол тоғ тизмасида шаклланиб, дарё сувининг асосий қисми Наманган вилояти ерларини суғориш учун ишлатилади.

Дарё қор ва музликлардан тўйинувчи дарёлар сирасига киради.

Дарёнинг умумий узунлиги 130 км дан ортиқ масофани ташкил этади ва суғориш майдони 443 км² га тенг. Ҳавзасининг майдони 389 км² га тенг.

Дарё ҳавзаси денгиз сатҳидан ўртача 2000 м баландликда жойлашган

Дарёнинг асосий гидрометрик пости кўшни Қирғизистон Республикасида Тосту дарёси қуйилиш жойи яқинида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан 20,0 км узоқликда жойлашган. Гидропостнинг маълумотларига кўра дарёдаги сувнинг ўртача йиллик оқими 193.0 млн.м³/йил ни ташкил этади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 6,2 м³/с га тенг бўлиб, энг баланд сув сарфи июн ойида (ўртача 16,1 м³/с) оқиб ўтади, энг кам сув сарфи эса (ўртача 1,5 м³/с) феврал ойида кузатилади.

Охириги йилларда дарёдаги оқим миқдори камайиб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири иқлимни йиллар давомида ўзгариб бораётганлиги, кам сувлилик йиллари ортиб бораётганлигидир. Бу ҳолатни дарё сув сарфи ва оқими миқдорлари кўрсаткичларининг таҳлиларида ҳам кўриш мумкин